



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

• 1992 йил мартдан чиқа бошлаган

• 1993 йил, 27 август № 35 (74) • Сотувда эркин нархда

Мустақиллик байрамининг мубарак бўлиши!

Фозил ЭМИН

УЙҒОНДИМ

(Истиқлол шарафига)

Бугун ажиб қувноқ уйғондим:
Кўнглим — тоғу, ҳисларим — чаман.
Истиқлолнинг завқида ёндим,
Шодлик — Семурғида учаман:
Оғушимда шинам қишлоқлар,
Неъматлари — шифобахш боғлар...

Тамом! Чиқдинг ёруғ дунёга,
Бошинг кўтар мунис Она-Ер!
Алмашмасман минг бир маъвога,
Дахлсизсан, гуллаб-яшнайвер,
Энди доим шаффоф тонг отар,
Кувонч шабодаси уйғотар...

Сайд этилган бир каклик мисол,
Тутқун эдинг «олтин қафасда...»
Таңрим берди сенга Истиқлол,
Қанотларинг тиклангай аста...
Завол тоқсин сотқин сайёдар,
Отасини танимас зотлар...

Матонатли жонсарақ халқинг,
Тўрт фасл ҳам тиним билмайди...
Тунларингда тўлин ой балқиб,
Кундузингда кўёш жилмайди...
Муруватнинг нур чирогисан,
Садоқатли эл ардогисан.

Ризқ берувчи караминг улуг,
Жонзодки бор сени Онам-дер...
Ҳимматинга, шаънинга қуллук,
Илҳоминга ўзинг қанот бер...
Садоқатим сочиб учайин,
«Туманлар»ни очиб учайин!



Шодиёна...

Суратчи Р. АЛЬБЕКОВ

● Республика факрий-лар ташкилотлари уюшмаси кенгашида Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишлаган йиғилиш бўлди. Уни шу кенгаш раиси Б. Раҳимов очди. Йиғилишда таниқли олим, республикада хизмат кўрсатган фан арбоби Кўчқор Хоназаров Ўзбекистон муста-

носиб дастурлар тайёрлашмоқда. «Шодлик», «Лазги», «Чен-чун» корейс ансамбли, уйғур халқ ашула ва рақс ансамбли ва бошқалар шу кунларда қизғин репетициялар ўтказишмоқда. Ортиқ Отажонов, Нуриддин Ҳайдаров, Ғулможон Ёқубов, Аҳмаджон Шукуров, Олма-хон Ҳайитова каби хонанда-

ишлари бошқармаси мутахассислари қудуқдан отилиб чиқётган нефтинг юқори сифатлилигини аниқладилар. Ҳозир кон атрофида ёналгини юклаш ва жўнатиш майдончалари ҳозирланяпти.

● Озарбайжоннинг Лекторан туманида Толиш Мурғон мухтор республикасини эълон қилган А. Гумбатов бу ердан қувғин қилинди. Уч кеча-кундуз давом этган митингдан сўнг бу туман аҳолиси маҳаллий маъмурият биносига бостириб кнриб, уни қўриқчилари билан номаълум томонга қочишга мажбур қилдилар.

● Қозоғистоннинг собиқ раҳбари, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Динмуҳаммад Қўнаев 20 август кечин пайт 82 ёшида тўсатдан вафот этди. У Толдиқўрғон вилояти, Уч-орол туманига жамоатчилиги билан учрашувга келган эди. Қозоғистон раҳбарияти Динмуҳаммад Қўнаевнинг хизматларини ҳисобга олиб, уни дафн этиш бўйича ҳукумат комиссиясини тузди.

БУГУНГИ СОНДА:

- РАҲБАРЛАР КЕНГАШИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИМИ?
- ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ
- УМАРҚУЛ ПУЛКАН УҒЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ
- ИСТИҚБОЛДАН УМИДИМИЗ ҚАТТА

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- АЛОҚА ХИЗМАТИДА ЯНГИ ТАРИФЛАР
- ДИЛХИРАЛИКЛАР САБАБИ НИМАДА?
- ХУСУСИЙЛАШТИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ
- ТЕЛЕФОН ТАНЛАШДА АДАШМАНГ
- МАЖОЗИЙ ВА ИЛОҲИЙ ИШҚ ҲАҚИДА

ОЛАМДА НИМА ГАП ?

* ЯНГИЛИКЛАР * КАБАРЛАР * ВОКЕАЛАР *

қиллигининг икки йиллиги ҳақида сўзлаб, истиқлолга эришилгани халқимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлгани, қисқа вақт мобайнида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, айниқса, миллий кадрятларни тиклашда ижобий ўзгаришлар юз берганини айтди.

● Муҳиддин Қориёқубов номли Ўзбекистон Давлат филармонияси жамоалари мустақиллик байрамига му-

лар ҳам ўз гуруҳлари билан байрам шодиёналарига файз киритишади. Улар Мустақиллик, Улуғбек майдонларида, Амир Темур хиёбони, «Туркистон» театри ҳамда шаҳримизнинг бошқа йирик майдонларида бўладиган концертларда мухлисларига зафқ уламинишади.

● Андижоннинг ғарбий Полвонтош участкасида нефть фаввораси отилиб чиқди. Андижон пармалаш



Абдумажид Қодировнинг Андижон давлат электралоқа корхонасига раҳбар этиб тайинланганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу қисқа фурсат давомида ишчанлиги, тадбиркорлиги, муҳими — соҳага фидойилиги билан танилди.

У ҳар бир сўзини обдон ўйлаб, салмоқлаб, тарозига солиб айтилади. Айрим раҳбарлар каби баландпарвоз гапларни ёттирмайди, муаммоларни ҳаспўшлаймайди. Шуниси билан беихтиёр ҳамсўхбатда ҳурмат-эҳтиром уйғотади.

тадбирлар кўряпмиз, албатта. Шикоятлар билан махсус шуғулланиш учун жойларда, АТСларда графиклар тузилган.

— Шикоятлар ҳақида гап кетганда таксофонлар масаласини тилга олишга тўғри келади. Эсингизда бўлса, Андижонда телефон автоматларнинг яхши ишламаслиги «Хабар»да таниқд қилинган эди. Мен шу гал Андижонга келгач, аэропортдаги телефон автоматларга назар ташладим: биронтаси ишламас экан.

— Таксофонларнинг кўпчи-

— Муаммолар кўп дедингиз... — Тўғри. Технологияда кўп хатоликлар бўлган, бунинг асоси рати мана энди билинляпти. Яна, тажриба шуни кўрсатдики, жуфт, катта кабеллар ўрнига кичикроқ кабеллар ўнғай экан.

— Моддий-техника таъминоти қандай?

— Кўнгилдагидек эмас. Вазирликдаги асосий таъминот идорамиз (бошлиги А. Ш. Хамидов) катта буюртмаларни олади-ю майдорқ асбоб-ускуналарни етказиб беришга яхши аҳамият беришляпти. Утган йили берилган буюртмалар ҳали ҳам тўла бажарилмаган. Бунинг устига, махсуслотлар устига қўйиладиган пуллининг фони микдори анча юқори. Бизга қимматлик қилади. Бошқа жойдан маҳсулот сотиб олиш учун бизга махсус

гар ариза 1566 та эди, ҳозир 25 фони қолди. Маҳаллий ҳожибият ҳамда ҳўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда бу муаммони ҳал қилляпиз. Дарвоқе, вилоят ҳожибиятининг ёрдамини алоҳида таъкидламоқчиман. Маълумки, шу йилги табиий офат — тоқтин ва селдан соҳамизга катта зиён етказилган эди. Ҳожибият 4 млн. сўм бегараз ёрдам кўрсатди. Маериди келганда айтиб ўтмоқчиман: ташкилотларнинг биздан қарзи 100 миллиондан ошди. Алоқа хизмати учун тўланадиган ҳақини вақтда ололмаслик капитал кўрилиши ва ишлаб чиқариш ривожлантиришга гов бўлмоқда. Биз мажбурий чорани кўришга, алоқани узиб қўйишга ҳам мажбур бўлмоқдамиз.

— Бозор иқтисодий шартношдаги нўр-наво ипога-сигада вилоят алоқачилари ўз-

«Алтел», «Алкател», ДЭУ (Жанубий Корея) корхоналарининг вакиллари келишиб, ҳамкорлик ҳақида маслаҳатлашиб кетишди. Ҳозирча битим тузилмади.

— Кадрлар масаласида аҳвол қандай?

— Агар олий маълумотли кадрлар сонини эътиборга оладиган бўлсак, кадрлар етарли. Лекин сифати... Маълумки, халқимиз ўтроқ, туғилган, ўсган жойига анча боғлианб қолган. Кичкинагина бир қишлоқда бир қанча олий маълумотли алоқачи бўлса, бошқа жойда мутахассис етишмайди. Аммо ҳаммаси ўз қишлоғини ёки шаҳрини ишласан дейди. Бу номутаносибликка бегараҳ бериб, кадрларни ўз ўрнига қўйишга ҳаракат қилляпмиз.

— Малакали мутахассисларнинг бир қисми турли сабаблар билан кетиб қолишди.

Вилоятда малака ошириш курси бор. Телефончи, телеграфчи, кабелчилар ўқиб, малака орттирмоқдалар. Алоқа институти ва коллежида ҳам ўқиб, малака орттириб муимки. Узим ҳам ҳаҳон иқтисоди ва дипломатия университетини бошқарув институтида «Бозор ва бизнес» курсини битирдим.

— Давлат тили соҳада қандай жорий қилинмоқда?

— Давлат тилини жорий этиш ҳақида гап кетганда биринчи галда аҳолининг ўзбек тилини билимайдиган тоифаси назарда тутилади. Тўғриси айтиш керак, соҳадаги русийзабон мутахассислар орасида ўзбек тилини яхши ёки ўртача билидиганлари ҳам (муовиним Юрий Владимирович билан ўзингиз гаплашдингиз, давлат тилида жуда чиройли сўзлашди), билимайдиганлари ҳам бор. Бу борада маълум ишлар қилинмоқда. Бошқармада инглиз тилини ўрганиш курси ташкил қилинган. АТСлардаги оддий телефончилардан тортиб муҳандисларгача тил ўрганишмоқда. Халқроқ алоқада ишляйдиган мутахассислар хоржий тилини билишлари зарур.

— «Хабар» газетаси ҳақида қандай фикрдасиз?

— «Хабар»нинг катта қизиқиш билан ўқиймиз. Алоқачиларнинг ўз наширга эга бўлиши катта воқеа бўлди. Уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга таъбиримиз. Келгусида бу газета журналга айланса ёмон бўлмасди. Муҳарририятга айрим истаklarини бор. Бизда иқтидорчиликка эътибор сусайиб кетди. Шу мавзуга эътибор берилса... Реклама ва эълонлар учун алоҳида илова ёки махсус саҳифа берилса аниқ муддао бўлур эди.

— Самимий сўхбатингиз учун ташаккур.

— Раҳмат.

Ш. ЭРГАШ ўғли сўхбатлашди

Абдумажид ҚОДИРОВ:

ИСТИҚБОЛДАН УМИДИМИЗ КАТТА

— Абдумажид Ҳамидович! Андижон вилояти аҳоли зичлиги жиҳатидан фақат Собиқ Иттифоқдагина эмас, балки жаҳон миқёсида ҳам олдинги ўринларда туради. Табиийки, бу ҳол алоқа хизматида ўзингиз ҳам мураккаблик ва масъулиятни тақозо этса керак!

— Ҳудди шундай. Аҳоли сони кўп бўлгач, микозлар ҳам, улардан тушадиган талабистақлар ҳам шунча кўп бўлаверади. Уларга яхши хизмат кўрсатиш бизнинг асосий вазифамиздир. Ҳозир вилоятда 91 минг 937 донга телефон абоненти бор. Яна 32 минг микоз телефон ўрнатиш учун навбатда турибди.

— Оқорида сиз эслатган ўзингизга хослик, мураккабликни ҳар лаҳза сезиб тураемиз. Айтилик, жумҳуриятнинг ер сероб бўлган қўриқ вилоятларида телефон линиялари, кабеллар анча даҳлсиз, муҳофаза майдони кенг. Бизда эса ҳар бир қарим ер ҳисобда бўлгани учун бундай имконият йўқ, шунинг учун ҳам гоҳо тасодифан, гоҳо айрим ташкилотларнинг масъулиятсизлиги туфайли алоқа ришталарида узил-пирил, бузилишлар бўлиб туради. Тузатиш, ташмирлаш ишлари ҳам осонликча кечмайди, албатта.

— Микозларнинг шикоятини кўпроқ нима ҳақда бўлади?

— Шикоятлар кўпроқ телефонларнинг ишламаётгани ёки ёмон ишлаши хусусидадир. Яшнрмайман, бу борада ҳали муаммолар кўп.

— Энг кўп шикоят қердан тушмоқда?

— Кўпроқ Андижон шаҳрининг ўзидан шикоят қилишмоқда. Микозлар ҳам ҳар хил бўлади. Гоҳо бевосита бизга — мутасаддиларга айтмасдан, тўғридан-тўғри юқорига — ҳожибиятга ёки ундан талага мурожаат қилишляпти. Биз чора-

лиги телефон безорилари айби билан бузилган, йўқ қилинган. Ҳисоботда эса бу кўрсатилмаган. Биз бор гапни айтиб, масалага аниқлик киритдик. Концерндаги йиғилишда ҳам чора-тадбирлар белгиланди. Ҳозир автоматларни жетонлар билан ишлашга мослаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ҳозир 60 фони зини тикланди. Ташкилотларнинг ичриш жойларига, АТСларнинг ёнига биттадан бепул ишляйдиган автоматлар ўрнатишмоқда. Телефон-автомати хизмати учун ташкилотлар пул ўтказмоқда, шунда хизмат ҳам теккин бўлади.

Умуман олганда эса, тан олиш керак, телефон автоматларнинг яроқсизлари кўп. Уларни етарли микдорда ололмаемиз. Узимизда ишлаб чиқарилмайди. Мавжудларнинг яхши ишламаслигига фақат биз эмас, микозлар ҳам айбдор. Ахир ҳар бир будиннинг олдида мелиса қўйламаймизку! Одамларда онг-савия, маданият даража ўсмас экан, аҳвол ўзгармайди.

рухсат керак. Бу борада эркинлик бўлгани маъқул эди.

АТСлар эскириб қолган. Тезроқ уларни янгиллаш чоралари кўрилиши керак. Собиқ Комсомол туманида замонавий 2048 номерли, Асакада 5000 номерли АТС қурилди. Андижон-Марҳамат кабел линиясининг қурилиши чўзиб юборилди. Асакадаги АТС қурилиши 90 фонизга битган, аммо Ленинграддан керакли асбоб-ускуналарни ололмаемиз. Сабоби — пулни ўтказолмаемиз.

Вазирлик вилоятларга яндек кўпроқ эътибор берса яхшироқ бўларди.

— Мақтанга арзийдиган ишлардан ҳам гапиринг.

— Ҳўп. Сизга маълумки, сўнгги йиллар республикамизда ишлаш толлани кабелларнинг жорий этишга катта аҳамият берилмоқда. Ана шу ишда олдинги ўринлардамиз. 30 калла ишга тушди. 1920 каналгача зичлаштириш мумкин. Миллий байрам — мустақиллик кунига уруш ногиронлари ва оналси урушда вафот этган оиналарга телефон ўрнатиб берилш ниятидамиз. Шундай тоифадаги микозлардан туш-

ларини қандай ҳис қилишмоқда?

— Таърифлар бўйича асосан эришчилик (айрим истисноларни мустасно этганда) берилди. Энди тўла даромадини қўлаб ишлаш мумкин. Телефон ўрнатиш илгари 18 минг сўм эди, энди 75 минг бўлди. Туманларда 9 минг ўрнига 50 мингга кўтарилди. Айрим ташкилотлар қимматсиратишиб, телефондан воз кечишгача боришляпти. Абонентлар сони кайиммоқда. Ваҳоланки бу борада абонентлар сони режалаштирилади. Бу тўғри эмас.

— Истиқболни қандай тасаввур қиласиз?

— Истиқболдан умидимиз катта. Келажакда радиоалоқани ривожлантириш керак деб ўйляйман. «Уздуробита» билан ҳамкорлик қилмоқчимиз. Ташкилотлар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватласа, уяли алоқани йўлга қўямиз. Фақат битта мушкул жойи бор ҳозирча: бундай алоқа билан вилоят ҳудудидаги микозларга чиқиш қийин, алоқа Тошкент орқали амалга оширилади. Махсус қурилма орқали масалани юқобий ҳал қилиш мумкин.

РАҲБАРЛАР КЕНГАШИ САҚЛАБ ҚОЛИНАДИМИ?

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги корхона ва ташкилотлари Кенгаши ҳайъати аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Раҳбарлар Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги бошқарув органлари тизимидаги ўрни ва роли» масаласи кўриб чиқилди.

Кенгаш раиси ўринбосари А. Н. Кудинов мазруза қилди. Раҳбарлар Кенгаши 1990 йили тузилган бўлиб, унинг асосий вазифаси республика алоқа корхоналарини оғир иқтисодий шароитдан чиқиб олишларига кўмаклашишдан иборат эди.

Раҳбарлар Кенгаши 1991—1993 йиллари иқтибрий демократия асосида капитал қурилиши, илмий-тадқиқот ишлари, матбуот ва почта хизмати, калқаро телефон-телеграф

каналлари каби муҳим вазифаларни жонлантириш мақсатида Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги ҳисобидаги марказлаштирилган жамғарма ташкил этди. Жамғарма манбадан Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги аппарати, «Хабар» газетаси тахририяти ва республика алоқа тармоқларини таъминлаш учун фойдаланилди.

Икки ярим йил ичида алоқа биналари капитал қурилиши учун марказлаштирилган жамғармадан 223,0 млн. сўм ажратилди, Қарши, Бухоро АМТС қурилишига, «Уздуробита» самовий алоқа станциясига, Янгийер-Ульянов ва бошқа кавбелли алоқа тармоғи қурилишига кўмаклашилди, Урганч ва Тошкентдаги ички алоқа заводини қуриш ишлари давом этмоқда.

Илмий-тадқиқот ишларида бу борада ҳарийб 25,0 миллион сўм сарфланди.

Раҳбарлар кенгаши фақат бу ишлар билан ифоляланиб қолмади. Кенгаш аъзоларининг ўтказилган сажиза умумий йиғилишида, Кенгаш Ҳайъатининг беш мажлисида қирқдан ортук масала қўрилди. Мазкур масалалар таркибида корхоналарнинг молиявий аҳолини ахшиллаш, маҳаллий ҳожибият органлари билан ҳамжиҳатликда иш олиб бориш, сифат кўрсаткичларини ошириш, Алоқа вазирлиги ва корхоналар ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаш тўғрисида, «Алоқа тўғрисида» қонун лойиҳаси, почта хизмати ва унинг молиявий аҳолини тақомиллаштириш масалалари ҳам бор эди.

Бироқ ҳозирги даврга келиб Раҳбарлар Кенгашининг фаолият доираси тобора чеклиниб қолмоқда. Бу ҳол Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг ҳуқуқ ва вазифаларини аниқ кўрсатиб берилган «Алоқа тўғрисида» қонунининг қабул қилингани, Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг тайёрланаётган Низомида вазирликда мустақил равишда жамғарма тузиш, маблғалардан ажратмалар миқдорини белгилаш ҳуқуқи ҳам бериш кўзда тутилгани билан изоҳланади. Бундай шароитда Раҳбарлар Кенгашининг истиқбол кўринмайди.

Йиғилишда сўзга чиққан Ҳайъат аъзоларидан А. Тоғайалиев, Т. Ражабов, А. Эшонов, Б. Резник ва бошқалар нотик фикрларига қўшилган ҳолда ўз тақлифларини ҳам билдирди. Улар балки Кенгаш фаолиятини ўзгартирган ҳолда уни умумий масалаларни мувофиқлаштириб турувчи орган сифатида сақлаб қолган маъқулдир дейишди.

Кенгаш раиси Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазир

К. Р. Раҳимов сўзга чиқиб, Кенгаш ишига юқори баҳо берди, ҳозирги шароитда нима учун кенгаш истиқболсиз бўлиб бораётганини тушунтиришга Кенгаш масалалар вазирлик, концерни ва корхоналарнинг ўзида ҳал этилаётганини айтиб ўтди. Жорий йил якунигача Кенгаш фаолият кўрсатади. Навбатдаги умумий йиғилишда унинг кейинги фаолияти кўриб чиқилди ва бу борада тегишли қарор қабул қилинади. Бу муаммонинг йиғилишда унинг кейинги фаолияти кўриб чиқилди ва бу борада тегишли қарор қабул қилинади. Бу муаммонинг йиғилишда унинг кейинги фаолияти кўриб чиқилди ва бу борада тегишли қарор қабул қилинади.

Кенгаш Ҳайъати қабул қилган қарорда ўтган қийин ва мураккаб давр мобайнида Раҳбарлар Кенгаши соҳа фаолиятини бир меёрда сақлаб туришга хизмат қилганлиги таъзияланди.

Яқуний қарор Кенгаш аъзоларининг 1993 йил охирида ўтказилган умумий йиғилишида кўриб чиқилди.

МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР АРАФАСИДА

Келажақ ўн йилликда телекоммуникация алоқалари тизими инқилобий ўзгаришларни бошдан кечирилади.

Қўшма Штатларда бу жараён кенг кўламда давом этмоқда, у охири-оқибат бутун дунёни қамраб олади. Бу инқилобий ўзгаришлар ўзининг аҳамияти ва миқёси жиҳати ўтган асрда телеграф, телефон ва радионинг кашф этилиши сингари улғурдир, у америкаликлар ҳаёти, ишлаш ва дам олиш тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Журналистлардан бири буни темир йўллар, телефон ва автомагистраллар пайдо бўлиши билан қиёслади.

Кейинги 5—20 йилда:

— америкаликлар камида 500 турли-туман телевизион каналлар орқали кўрсатувлар кўриши мумкин бўлади, бу эса англиклар ва кўнгил очар дастурларнинг ўзларига ёққанларини истаган вақтда томоша қилиш имконини беради: бундан ташқари, ойна жазон тасвирларининг сифати анча яхшиланади;

— компьютерлар, телефонлар, телевизорлар, факс ва видеомагнитофонлар ҳатто бугунгига қараганда ҳам кўпроқ даражада бир-бирига туташган коммуникация технологиясининг ягона тизими унсурларига айланади ва эфтидан, бир бутунга бирлашади. Компьютерлар фойдаланувчилар учун тушунарлироқ бўлади, улар билан ишлаш соддалашади ва бундай компьютерлар коммуникацион жиҳозларнинг барча турлари учун тамал тоши бўлади;

— мўъжаз телефонларнинг ҳажми янада кичиклашади, арзонлашади ва ҳозиргига қараганда кенг оқимлашади. Эҳтимол, ўзини билан доим олиб юрадиган кичкина шахсий телефонлар яратилар. Америкалик талаба, масалан, Пенкинда истикомат қилувчи онасига кўнгирак қила олади, онаси бўлса, Бозордан рўзгор учун у-бу харид қилаётми, фарзанди билан бемалол суҳбатлаша олади;

— келажақда кўп мўъжаз курилмаларга телеэкранлар ўрнатилди, чуқри ихчамлик муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Чикгоголик бола ўзининг оstonасида ўтириб, Нью-Йоркдаги оғайнис билан, масалан, видео ўйин ўйнаши мумкин бўлади. Ҳозирда ноқ айрим фирмалар одамларга ўз фикрларини экранга ёзиш ва хабарларни бошқа шахарларга етказиб бериши имконини берадиган мўъжаз алоқа асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришмоқда;

— кўплар идоралардаги ҳамкасблари ва ҳар қандай дўкон билан боғлаш оладиган видеодисплейдан фойдаланган ҳолда уйда ўтириб ишлашлари, шунингдек, дўконлардан мол харид қилишлари мумкин;

— тугмачани одатдагидай босиб билан марказий манбалардан самолётлар жадвали, сўнгги англиклар, моллар каталоги, ҳар қандай қомусий маълумотлар ҳақида уйдаги видеоэкран орқали батафсил ахборот олишнинг мумкин бўлади.

Молларни ойна жазон орқали сотиб олиш тизимининг эгаси ва «Парамаулт пичерс» компаниясининг собиқ президенти Барри Диллернинг фикрича, янги технологиялар «янги дунё мейморчилигининг унсурлари» бўлиб қолади. Дюк дорифунунининг бизнес куллиети вакили Жон Макканинг айтишига қараганда, буларнинг барчаси яратилиши билан алоқа соҳасида жуда катта миқдорда янги хизмат кўрсатиш имкониятлари вуҷудга келади. Мухтасар қилиб айтганда,

«алоқа симларига чулганган олам» вуҷудга келади, унда оддий фуқаролардан нима юзасидан бўлмасин ахборотларни яшириш мутлақо мумкин бўлмай қолади.

Булажақ телекоммуникация инқилоби иккита технология «китга» асосланади. Уларнинг бири «ахборотларни рақамлар орқали узатиш» дейилади, бу компьютер жараёни бўлиб, хусусан ахборотларнинг ёрдамида босма қоғоздаги матн, кинолента ёки видеолентадаги тасвир, телефондаги товуш, мушаканый ёзув ва ҳоказолар сифатида узатилади. Улар математика негизидаги сигналлар ёки рақамли кодлар туркуми кўринишида бўлади. Бу кодлар радио тўлқинлар, телевизор сигналлари ёки йўлдошлар сигналлари орқали узатилиши мумкин; улар қабул қилишда ҳеч бир талофотсиз асл ҳолига келтирилади, бу ҳол ахборотларни элтиш усулининг самарали эканлигини кўрсатади. Шиша толали кабеллар рақамли сигналларни узатишининг энг юксак воситасидир.

Айни шу шиша толали кабеллар булажақ ахборотлар инқилобининг иккинчи унсурини ҳисобланади. Нафис шиша иплардан тайёрланган, рақамли кодли сигналларни рангли импульсларга аниқ айлантириб, олис масофаларга узатиб бера оладиган шиша толали кабеллар ахборотларни мисдан тайёрланган телефон симларига қараганда 250 минг марта кўпроқ узатишга ва қабул қилишга қодир. Бу эса ҳар қандай ахборотларни уйда ва кўрада амалий жиҳатдан чекланмаган миқдорда қабул қилиш ва узатиш имконини беради.

Мазкур икки технология ютуқлар — узатишнинг рақамли усули ва шиша толали кабель — янгиланган алоқа хизмати омилларидир.

«Тайм-Уорнер» корпорацияси Нью-Йоркнинг Куинс туманида 150 каналлик кабел телевидениесини ишга тушириб юборди: 1994 йили у Орландода (Флорида штати) иккинчи томонлама видеоахборот тизими очилиши режалаштирмоқда, унда обуначиларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб видеофильмлар кўрсатилади. ЖИ-ТИ-И телефон компанияси Калифорниядаги шахарларнинг бирида кабелли алоқанин икки томонлама тизимини жорий этдики, бу мижозларга уйда турибқ турли тўловларни тўлаш, чоп этилган матнларни олиш, авиачипталарга буюртма бериш имконини берди.

Денверда телекомпаниялардан бирининг мижозлари ҳар кеча 2.000 фильм ва теледестурлардан танлаб олиш имконини берадиган, масофадан туриб бошқариладиган пулдан фойдаланмоқдалар; улар ўзларига манзур бўлган дастурни ўзлари учун қулай пайтда экранга чиқариб олишлари мумкин. Айни ўша компания — ТИ-СИ-АЙ «Сегга» каналини ҳаракатга келтириши мўлжалламоқда, у иккитомонлама алоқа ёрдамида экранга болаларнинг сезимли видеоўйинларини чақириш имконини беради. «Сегга» каналининг синов чиқишлари шу йил кузда бошланади.

«Хьюз комьюникейшн» компанияси «Дирек ТВ» йўлдоши орқали телевидение хизматини очиги ҳозирлик кўрмоқда, у 700 долларга томга ўрнатилдиган, думалоқ, катталиги товадай келадиган йўлдош антеннасини сотиб олган ҳар бир кишига 150 та каналда телекўрсатувлар кў-

ришини таъмин этади. АҚШнинг жамоат телевидениеси ўз томошабинларига 500 доллар турадиган қурилма тақриф қилиши мўлжалламоқда, бу қурилма уларга дастурни ўзгартирмай туриб пиццу буюртириш ёки дастур бўйича ўз шарҳларини ёздириш имконини беради.

Томошабинлар охири-оқибат истаган дастурни истаган вақтда экранга чақирибгина қолмай, уни ҳатто ўз хоҳишига кўра ўзгартирши ҳам мумкин бўлади. Масалан, бейсбол беллашуви пайтда майдоннинг умумий кўринишидан қопқони қайтарётган ўйинчини йирик планга ўтказиши ёки беллашуви кўзатишда давом этиб, айни вақтда бейсбол ҳақида бирон бир тарихий маълумотни экранга чиқариш мумкин. Америка телефон компаниялари ва кабелли телевидение хизматлари технология янгиланган — улар АҚШ вице-президенти Эла Горнинг айтишича, «21 асрнинг катта ва фақулдода бозорини яратди» фойда олиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун тижорат ва ҳуқуқий жангларни бошлаб юборишди.

Америка Қўшма Штатларида, экспертларнинг баҳосига кўра, икки томонлама алоқа воситалари 1995 йлга бориб 5—15 миллиард долларли бозорни ташкил этади. «Уолл-стрит жорнэлнинг» маълумотларига кўра, улкан АТТ коммуникацион корпорацияси ҳозир қандай қилсақ «ҳар бир овоз, телесигнал ёки компьютер матни алоқа каналлари орқали узатилаётганда АТТ бундан манфаатдор бўларкан» деб беш қотиришмоқда. Кейинги беш йилда АТТ ўзининг олис телефон алоқалари системаларини шиша толали ускуналар билан жиҳозлаш учун қарийб 20 миллиард доллар сарфлади; унинг рақобатчилари бу мақсадлар учун улкан миллионларни ҳали сарфлашга улғуршигани йўқ.

Яқин кунларда алоқа соҳасида муҳим ўзгаришларни кутиш мумкинлигининг сабабларидан бири шундаки, телефон компаниялари АҚШнинг турли шахарлари ўрасида шиша толали линияларни фаоллик билан ўрнатмоқдалар. Алоқанин маҳаллий бўлимлари ҳали шиша толали технологияга ўтганлари йўқ.

Янги технология қўллаш натижасига келганда олимларнинг фикрларида қарама-қаршилик пайдо бўлди. Айримлари томошабинларнинг кечки кўнгил очар дастурларни ўзларининг дида ва режаларига мослаштириш қобилияти маданий тафовутларнинг кучайишига олиб келади деб дэво қилмоқдалар. Баъзи бировлар бўлса одамларни иш йўналиши ва касб маданиятига қараб бўлиш оммавий маданият бўйича дидлариди айирмачиликни кучайтиради, деб ҳисобламоқдалар. Бошқаларнинг фикрича, танлаб олиш имкониятлари кўп бўлишига қарамай, 3 ёки 4 асосий телекомпанияга сақланиб қолади, улар аввалгидек бера америкаликларни бирлаштирувчи маданий фаолиятини давом эттириверадилар.

Шубҳасиз, бу йўлда мағлубиятлар ҳам бўлади. Ҳаммасини ўз кўзимиз билан кўрмаганимизга ҳақиқатда нима бўлишини биймаймиз. Лекин алоқа соҳасида инқилоб юз бериши ва у ҳаётиимизни кўп жиҳатдан ўзгартириб юбориши муқаррар.

«Вечерний Ташкент», 26 июль, 1993 йил

Германиянинг «Алкатель СЕЛ РФТ» фирмаси жаҳон афкор оmmasига яхши таниш. Фирма алоқа хизмати учун зарур ускуналар ишлаб чиқаради ва телекоммуникация қурилиши билан шуғулланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Германияга таширидан сўнг «Алкатель» фир-

ларини амалга ошириш учун Алоқа вазири муовини Р. Г. Валвевини вазифадор этди. Кейинги ва битил «Ўзбек-телеком» ва «Ўзбекалоқа-инвест» концернлари ва алоқа ташкилотларида ташкилий ва амалий томондан чуқур ўрғанилгандан сўнггина амалга оширилади.

Айни пайтда ишчи гуруҳи Ўзбекистон алоқа тармоғи-

«АЛКАТЕЛЬ» ХИЗМАТГА ШАЙ

маси раҳбарияти билан келишув асосида Ўзбекистонда телекоммуникацияни ривожлантириш учун амалий иш юзасидан тегишли ҳужжат имзоланган. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири Р. Г. Валвевини ва «Алкатель» фирмаси ўртасида имзоланган ҳужжатда жумҳуриятимиз телекоммуникация тизимини замонавийлаштириш ва алоқа жиҳозларини ўрнатиш учун немис банкларида қарзга пул олиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири Р. Г. Валвевини ва «Алкатель» фир-

ни ривожлантириш ва қайта қуриш юзасидан амалий масалаларни белгилаб олди. Энди Германия фирмаси тақдим этилган мазкур масалаларни ўрганиб чиқади.

Ўзбекистонда замонавий алоқа жиҳозлари, захиралар қисмлар, қурилиш учун зарур кабеллар ишлаб чиқариш учун Тошкентдаги «Ўзбекалоқанформ» ва «Промсвязь» заводлари қўшма маданий корхона қуриш масаласи ҳам кўзда тутилган.

А. ТҒЛАГАНОВ

ДАВЛАТ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Алло
Да
Я слушаю
Это я
Я не узнал вас
Я не сразу вас узнал

Я не узнал ваш голос
Нас прервали
Плохо слышно. Я перезвоню

Положите трубку. Я перезвоню
Перезвоните мне, пожалуйста
Вы ошиблись номером

Вы неправильно набрали

Вы не туда попали

Попросите к телефону...
Позовите, пожалуйста...

Я прошу...

- алло
- лаббай
- шитаман
- бу менман; ўзимман
- сизни танимабман
- сизни дабурустан танимабман
- овозингиздан танимабман
- алоқани узиб қўйишди
- ёмон эшитилди. Қайтадан қўнгирак қиламан
- ўшакни қўйиб турингиз
- қайта қўнгирак қиламан
- марҳамат қилиб менга қайта қўнгирак қилсангиз
- сиз бошқа номерга тушиб қолдингиз
- сиз номер теришда янгиландингиз
- сиз бошқа жойга тушдингиз
- телефонга ...ни чорлаг
- илтимос, ...ни чақириб берсангиз
- ...ни сўрамоқчи эдим

Ш. ЭРҒАШЕВ тайёрлаган



Маттабага ҳозирлик... Суратқаш Р. АЛЪБЕКОВ

Зангори экранда

ДУШАНБА

30 АВГУСТ

УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.00 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

18.10 Болалар учун фильм. «Бембинин болагига».

19.25 Эълонлар.

19.30 «Ўзбекистон» аxbороти (рус тилида).

19.50 Мустақиллик одимлари.

20.00 Эълонлар.

20.10 Оқшом эрталари.

20.25 Эстрада концерти.

20.55 Эълонлар.

21.00 «Ўзбекистон» аxbороти.

21.30 «Мустақиллик одимлари».

21.40 Санъат усталарининг концерти.

22.10 «Кўнгида Ватан». Тошкент шаҳар Мирзо Улўбек туманидан тайёрланган кўрсатув.

22.55 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига. «Мархабо, талантилар». Ўзбекистон Республикаси бадий хаваскорлик жамоаларининг телевизион фестивали. Экранда Коржадлопонинг Республикаси.

00.25 «Мустақиллик одимлари».

00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

18.30 «Ассалому алайкум» [такрор].

19.30 «Ўзбекистон» аxbороти (рус тилида).

19.50 «Буюк Илак йўли». «Шифобахш ўсимликлар». Телефильмлар.

20.30 «Билбл кўйган ахши».

20.45 «Ўтмишсиз келмак кўй».

21.15 «Армон». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.

5.00 «Янгулар».

5.45 «Тонг».

8.00 Янгиликлар.

8.20 «Тингланг, томоша қилинг...».

8.40 «Роботлар билан ҳазиллашманг». Болалар учун телеспектакль.

9.50 «Мавзу».

10.35 М. Патинций номли Давлат академик рус халқ хорининг концерти.

11.00 Янгиликлар.

11.20 «Гол».

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

14.25 «Телемист».

15.10 «Ён дафтар».

15.15 «Иш».

15.25 «Тедди Раксиннинг саргуаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.

16.00 «Музоғар».

16.20 «Икбол кулганда».

17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

17.25 «Москвлага чипта».

17.45 «Гол».

18.15 «Ҳафтинг акс садоси».

18.45 «Беш қиз Парижда». Олти серияли телевизион бадий фильм премьераси.

4-серия.

19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!

19.55 Эълонлар.

20.25 «Рус балети юлдузлари».

Кўп серияли телевизион мусиқий фильм премьераси.

9-фильм.

21.35 «Қонинг ҳузурда меҳмондан. Нурсултон Назарбоев».

22.15 «Спорт уик-энди».

«Янги студия».

«Сорлигини очилди».

22.30 «Брокер».

22.35 «Джем-сейши». Лайза Миннелли концерти.

00.15 «ТВ-Х». Танаффус пайтида [23.10] — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Телевизион меҳнат бирмаси.

7.30 Ишбилармон кишилар даври.

8.00 «Россияда бизнес».

8.30 Тонгли концерт. «Эртан» телеканали.

8.45 «Муллага махфияр».

9.40 «Параллеллар».

9.55 Москва Давлат хори кичкинтойлар.

10.20 Мульти-пулти.

10.40 Хонаки экран. «Механик Гаврилович маҳбубаси».

16-бадий фильм.

12.00 «Россия фермери». Бу-турнахон армараси. Санкт-Петербургдай кўрсатилади.

12.30 «Тинчлик ва уруш».

13.05 Кинохиссалар. «Петрнинг билими». Бадий фильм. 2-серия.

14.15 Мусиқий коллекция. «Шарль Доблер куйларида» (французча).

14.40 «Фортун» телеканали. «Мана кема сузиб келмоқда».

15.35 Трансферасфир. «Сува-ратига чизилган».

16.10 Мульти-пулти.

16.15 Янгиликлар.

16.30 «Вола тилида».

17.00—19.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Душанба кунини детектив. «Лани страйк» танштиради.

«Миг-21». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркувди.

20.10 Камера ўтмиши тақдир ҳудудати. «Халика ёт театр».

20.30 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.30 «Кутариш хизмати-911».

22.25 «Формула-1» классидан авиопонга бўйича маҳон чемпиони. Белгия гран-приси.

00.25 «Мустақиллик одимлари».

00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

СЕШАНБА

31 АВГУСТ

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».

7.00 «Ўзбекистон» аxbороти.

7.30 «Билбл кўйган ахши».

7.45 «Янгоҳ». Мультфильм.

7.55 Мухтаassis маслахати.

8.10 «Эртунда тўй». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

8.30 «Ўзбекистон» аxbороти (рус тилида).

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

9.00 Болалар учун фильм. «Ошиқ бўёқин ҳақида эртан».

10.20 «Ешлик» студияси. «Темакорлик сирлари».

10.50 «Истиқлол илҳомлари».

11.50 Қўшиқлар ва аяллар.

12.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига. «ИСТИҚЛОЛНИНГ ОҚ ТОНГИ». Акмал Икромов тумани меҳнатқиллари билан учрашуви.

13.30 Иккинчи Бутунларча «Солдат қўшиқлари» фестивали.

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган АМИР ТЕМУР ЕД-ГОРЛИГИНИНГ ОЧИЛИШИ.

18.15 «Чуст жилпарни». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

18.30 Болалар учун. «Чамандоғ гуллари».

18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

23.00 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган АМИР ТЕМУР ЕД-ГОРЛИГИНИНГ ОЧИЛИШИ.

18.15 «Чуст жилпарни». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

18.30 Болалар учун. «Чамандоғ гуллари».

18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

23.00 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ III

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

23.00 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.

5.00 Янгиликлар.

5.35 Эрталабки гимнастика.

5.45 «Тонг».

8.00 Янгиликлар.

8.20 Мультифильмлар.

8.40 «Оудий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.

9.25 «Дальнерск — НУЗН базисини». Телефильм премьераси [Владивосток].

9.45 «Эк-энд» Суринама кенглигида [ННФН].

10.05 «Йонин ва қонун».

10.30 Г. Пономаренко қўшиқлари. И. Кобзон жиро эстади.

11.00 Янгиликлар.

12.20 «Спрут-4». Олти серияли телевизион бадий фильм. 4-серия.

14.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

14.25 «Ишбилармон кишилар хабарномаси».

14.40 «Адам Смит бойлиги дунбиси».

15.10 «Ён дафтар».

15.15 «Тедди Раксиннинг саргуаштлари». Кўп серияли мультфильм премьераси.

15.40 Мультфильм.

15.50 Давлатлараро «Останкино» телеканали Киргизистон телевидениеси кўрсатувлари.

16.50 «Технодрама».

17.00 Янгиликлар [сурдо таржимаси билан].

17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканали Киргизистон телевидениеси кўрсатувлари.

17.50 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

18.00 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

18.10 «Ишбилармон кишилар даври».

18.45 «Россияда бизнес».

19.15 Душанба кунини детектив. «Лани страйк» танштиради.

«Миг-21». Бадий фильм. «Криминал ҳодисалар» туркувди.

20.10 Камера ўтмиши тақдир ҳудудати. «Халика ёт театр».

20.30 Спорт кўрсатуви.

21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».

21.30 «Кутариш хизмати-911».

22.25 «Формула-1» классидан авиопонга бўйича маҳон чемпиони. Белгия гран-приси.

00.25 «Мустақиллик одимлари».

00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

СЕШАНБА

31 АВГУСТ

УзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».

6.40 «Соғлом бўлай десангиз...».

7.00 «Ўзбекистон» аxbороти.

7.30 «Билбл кўйган ахши».

7.45 «Янгоҳ». Мультфильм.

7.55 Мухтаassis маслахати.

8.10 «Эртунда тўй». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

8.30 «Ўзбекистон» аxbороти (рус тилида).

8.50 «Соғлом бўлай десангиз...».

9.00 Болалар учун фильм. «Ошиқ бўёқин ҳақида эртан».

10.20 «Ешлик» студияси. «Темакорлик сирлари».

10.50 «Истиқлол илҳомлари».

11.50 Қўшиқлар ва аяллар.

12.30 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган АМИР ТЕМУР ЕД-ГОРЛИГИНИНГ ОЧИЛИШИ.

18.15 «Чуст жилпарни». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

18.30 Болалар учун. «Чамандоғ гуллари».

18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

23.00 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган АМИР ТЕМУР ЕД-ГОРЛИГИНИНГ ОЧИЛИШИ.

18.15 «Чуст жилпарни». «Ўзбек-телефильм» премьераси.

18.30 Болалар учун. «Чамандоғ гуллари».

18.50 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

23.00 «Ўзбекистон» АХБО-РОТИНИНГ МАХСУС СОНИ (Ўзбек ва рус тилларида).

23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ III

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Бугун». Аxbорот кўрсатуви.

17.00 Тошкентда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг иккинчи йиллигига бағишланган ТАНТАНАЛАР ВА САЙИЛ ТОШ-КЕНТИНГ Мустақиллик майдонидан олиб кўрсатилади.

ЧОРШАНБА

1 СЕНТЯБРЬ

УзТВ I

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ

СОАТ 7.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН УТКАЗАДИ.

УзТВ II

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 18.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН УТКАЗАДИ.

УзТВ III

1 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 18.00 ДАН 2 СЕНТЯБРЬ СОАТ 02.00 ГАЧА

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТЕЛЕМАРАФОН УТКАЗАДИ.

«ОРБИТА IV»

Хар бир фаслнинг якунланиши киши руҳиятида галати ўзгарши ясади. Шунингдек, у умрнинг тўхтамаслигидан, вақтнинг дарё каби оқиб тушишдан далолат беради.

Эзинг охири менда ҳаммаша ажиб хотиралар уйғотади. Дарвоқе, ёз болалики чинакам ярайдиган фасл эди бир замонда. Беғамлик... Кўча чангитиб юршилар... Ҳосили дуркуллигидан ерга эгилган боғлар... Сўнг — ўқини, мактаб. Хар йили ёз якунланаётганда, тонгда кузак шабадалари танини или бор жуниқутганда беҳтиёр мактаб даamlарим эсимга тушади, унинг қардон бўёқ ҳидлари димоғимга урилгандек бўлади.

Ёз авваллари бошқача якунланар эди. Ўзига хос таровати, файзи, шукуҳи бор эди. Чунки ёз деганда кўпчи-

тақчил ашёларини қаердан, қандоқ кўлга киритганини сўрашади. Авваллари қайси мамлакатда саёхат қилганига қизиқадиганлар бу ёз далабоғини-гизга қишлоқини, экин-тикинни-гизга қарай олдингизми дейдиган бўлишди.

Бу иктымол ўзгарининг сабаблари нимада экан? Аслида ушбу жумбоқнинг жавоби ниҳоят оддий: авваллари сизда сайру саёхат қилиш имконияти бор эди, андиликда оиланингизга 4—5 таноб ер теккан, хусусий томорқлик бўлдингиз, уй-жой бўнед қилиш (ўзимизда буни «Ватан» дейишди) ҳуқуқига эгасиз. Бу ёғига ўзингиз хулоса қила қилинг: умрни сайру-саёхатда ўтказмоқ афзалми ёки болачака учун «Ватан» қолдириш? Миллатимиз руҳияти кўпроқ ўзини-

Шу боисдан ҳам юрагимда энди такрорланмас, «эртанкимо» тузумнинг готли хотиралари бот-бот тугеи қилсада, у қунларга қайтишни сира орзу қилмайман. Чунки у «дуркун даврон»нинг ҳақиқатга, халқ иродасига мос келмайдиган жиҳатлари бисёр эди. Шулардан энг биринчиси — ҳеч қайсимиз улуг аждодлар, ота-боболаримиз мерос қолдирган муқаддас тупроқни — она юртини меники дея олмас эдик. Бугун эса, шукрлар бўлсинки, бу муборак Ватан меники дея баралла айтмоқдамиз. Зотан, дунёга келган хар бир инсон учун, хар битта халқ учун бундан ҳам ортиқ бахт бўлиши мумкинми?!

Мен худди шу боисдан Ватан истиқдоллини, мустақиллигини хар қандай фароғатли турмушга, хар қандай афсонавор тузумга алиша олмайман. Худди шу боисдан ҳам ҳаётнинг машаққатли доволарини, қийин қунларини мардона энгиб ўтгим келади.

Бу йилги ёз синов ёзи бўлди. Давр одамларни, одамлар бир-бирини синамоқда. Аввалги «бозор» деган мавҳум тушунча энди истеъмолда энг кўп ишлатиладиган каломга айланди. У шаҳарлар, қишлоқлар, бутун худдимиз бўйлаб қанотларини кенг ёзмақда. Турмуш кечирши учун хар ким топан-тутганини, бисотидаги бор нарсани бозорга солиш ҳуқуқига эга бўлди. Лекин шу аснода азалий меҳроқибатларнинг ҳам пулга айирбошла-наётганлигини кўриб, юрак беҳтиёр ортага тортиб кетади.

Фаслларнинг якунланиши ҳаммаша киши қалбига янги нафас олиб киради. Умр ўткинчилигидан, ҳаёт эса абадийлигидан дарак беради. Руҳиятда инқилоб ясади. ГКЧП ходисаларини бошдан кечирган ёзининг мустақиллиги ато этганлиги, халқимизга энг муқаддас кунни — истиқлол байрамини ҳада қилганлиги ҳам шундан эмасмикин?

Бу йилги ёзингиздан мамнунмисиз? Албатта, мамнун бўласиз. Чунки ёз тугаши билан сизни улуг байрам, беқиес шодиена қаршилаб олади.

Иншоолло, бундан буён ёзининг якунланиши тоабад қалбларимизга ўзгача сурур бахш этсин... «Мустақиллик байрамнинг муборак бўлсин қўтулур Ўзбекистон!» дегаймиз хар гал.

ФУРҚАТНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ДЎСТИ

Фурқатнинг ўша вақтда Тошкентда кийган барча кийимларини Кўча даҳасининг Дамак маҳалласида яшаган Муслимжон Муҳаммадjon ўғли тикиб берган экан. Фурқат «Сабога хитоб» шеърини мактубида:

Олиб кўк мовут ила
қора сандуф,
Кетурғил иккисидан
чорак тўп.
Кўтариб тўғри
Муслимжонга борғил,
Тикувчи ул чевар
чечонга борғил.
Ўшал тиксув бизни
қонунча қамзул.
Тўпу чолвор ҳам
сентура фантул, —

деб, бу оддий касб эгаси бўлиши меҳнатсевар дўстининг номини ҳам абадийлаштирган.

Фурқат 1890 йил кузида, Тошкентда М. Горький номидаги (ҳозир Меҳржон деб аталади) маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган кўрғазмани томоша қилган. У миллий таомлар павильонларини кўриб чиқади, ҳурмат юзасидан Ўзига алоҳида таклиф этилган курида ўтиради. Шoir ўзининг уч қисмдан иборат «Виставка хусусида» манзумасида шу ҳақда ёзган эди. Кўнчадаги тўв тикиб берадиган дўстининг расми ва Меҳржон боғида кўпчилик ўртасида курси, ўтирган расмлар ҳозиргача тарихчи олимлар архиви ва уй музейларида кўз қорачидай сақлаб келинмоқда.

Анвар ИНОҚОВ

Мирнўлат МИРЗО ИСТИҚЛОЛ СУРУРИ

лик ҳордиқ чиқариш, куч-қувват тўлаш фаслини англари азалдан. Ёз якунланаётган даamlар бир-бири билан юз кўришганлар салом-алиқдан сўнг, албатта ёзи таасуротлар ҳақида ўзаро гурунглашардилар.

Мен ёзни бир неча марта Қора денгиз бўйларида ўтказганман. У замонларда Ёзувчилар уюшмасининг Адабиёт жамғармасида ижодкорлар учун имтиёзли ҳамда текин йўланмалар бўларди: хоҳланг ёлғиз, хоҳланг болача-қангиз билан фойдаланинг...

Ялта... Кўтбебел... Пинудя... Уммон шовиллашадан уйқум қочган тунлар... Офтоб шуъаларидан ялтираган гўборсиз соҳиллар...

Охири марта Пинудя оромгоҳида бўлганман. Ҳозир у жойларни бот-бот «зангори экран»да кўрарканман, ундаги вайронгарчиликларга кўзим туншиб, кўнглим беҳузур бўлиб кетади.

Не ажаби, сўнги йилларда ёз фаслигагина хос бўлган айроча сурур, беғамлик, хотиржамлик йўқола борди. Чунки давр ўзгарди. Кишилар руҳиятида инқилобий эврилшилар бошланди. Авваллари кўришганда бир-биридан қайси оромгоҳда дам олганини суриштирадиганлар андиликда

қига айланган «Ватан»дан, унинг фаровонлигидан фароғат туймайди? Ниҳоят, жамиятни иқтисодий юксалтириш омиллари жамоа бўлиб яшаш, жамоатчилик ҳаракатида эмас, хусусий мулкка суянишда эканлигини тан олмақдамиз. Дарвоқе, Ватан ҳам хусусий мулкдан бошланмайди?

Ҳа, даврнинг, одамларнинг, шунингдек, ёзининг ҳам табияти, феъл-атвори ўзгарди. Энди у ҳордиқ чиқариш, дам олиш, сайру-саёхат қилиш фасли эмас, балки чинакам меҳнат палласи, яшаш учун кураш мавзусига айланди. Зеро, бу йилги ёзда бутун жумҳурият бўйлаб хотиржам, беғам яшаган, керак бўлса давлат боғи олади, деган тушунчадаги одамни чироқ ёқиб ҳам тополмаган бўлардингиз. Энди ундай одам қолмади, ҳисоб. Бутун дунёда бизнинг аввалги ҳаётимизга — эски шўролар Иттифоқининг ақидаларига тақлид қилиб яшайдиган халқ ҳам қолгани йўқ. Чунки биз тарих ва табиат тақозо қилган тузумда эмас, ўйлаб топилган, тўниб чиқарилган жамиятда яшаган эдик. Шу боисдан ҳам «коммунизм» ҳаётини ҳақиқат эмас, балки афсона эканлиги тўла-тўқис исботланди...



Гул тутмоқ эҳтиром рамзидир.

Суратчи А. ТўРАЕВ.

«АЖАБ ДУНЁ»

ҚОВУН ДАРАХТИ

Гагра ботаника боғида ажойиб қовун дарахти ўсади. У Марказий Америкадан келтирилиб ўтказилган. Тажриба новдаларида барглари, думбул мевасида эса панаи деб аталадиган суяқ модда бор. Бу модда ошқозон-ичак касаллиги ва бошқа юқумли касалликларни даволашда қўлланилади. Айниқса, жигари оғриганлар учун уни истеъмолад қилиш фойдали. Ҳозир қовун дарахтидан хар ҳафтада 1,5 килограмдан 30 килограммгача шифобахш ҳосил олинмоқда.

БУКЛАНДИГАН ВЕЛОСИПЕД

Пермь заводи ишлаб чиқарган бу велосипед китоб каби букланади. Уни сумкага солиб, қўлда ва шаҳар транспортларида бемалол олиб юриш мумкин. «Кама» деб номланган бу ажойиб велосипед эркаклар ва аёл-

ларга мўлжалланган. Унинг рули ва эгарини истаганча паст ёки баланд қилиб олиш мумкин.

ОМАДЛИ БАЛИҚЧИ

Битта қармоқ ташлаб, бир йўла олти-етти балиқни илтирийдиган «омадли» балиқчилар ҳам бўларкан. Юрий Батов Индияга дарёси яузидан туйнук очиб, қармоқ ташлади. Хураки ютган балиқнинг думига бирин-кетини бир неча балиқ илашиб чиқса бўладими! Архангельск туманининг «Индигский» совхозини ишчисин Ю. Батов икки ҳафтада қармоқ билан бир тонна балиқ тўтиб, бу соҳада рекорд қўйди.

АЖАБТУВР ҚАЙИҚ

Флоридалик Говард Хорисби бoshчилигидаги «Интернэшл» роботик системэ фирмаси ходимлари «Сова» робот-қайиқининг илк нуҳасини яратдилар. Ажабтовур бу қайиқ душман ҳақида тўлиқ маълумот беришдан тортиб унинг ҳарбий объектларини йўқота олиш кудратига ҳам эга. Узунлиги 3-метр бўлган «Со-

ва» компьютер буйруғига кўра соатига 65 километр тезликда ҳаракат қила олади. Робот-қайиққа турли хил қурилмаларни, масалан, фото ва телевоситалар ёки ракета, йиғилган хабарларни марказга узатувчи техник ускуналарни ҳам ўрнаттиш мумкин.

Ҳажмининг кичкиналиги ва ҳаракатининг тез ўзгариши турини сабабли бу турдаги сув ости робот-қайиқларини йўқотиш жуда мушкул. Ҳозирги вақтда АҚШнинг Харбий-Денгиз Кучлари (ХДК) 650 миң доллар турувчи «Сова» — робот-қайиқининг миналаштирилган майдонларни топшиш ва уларни зарарсизлантириш имкониятини қайта-қайта амалий синовдан ўтказмоқда.

«Интернэшл» роботик системэ» фирмаси бошлиғи Говард Хорисбнинг айтишича, «Сова» контрабандистлар билан курашда жуда қўл келади.

«АЖАБ ДУНЁ»

СУЛАЙМОН ПАЙҒАМБАР СЕҲР-ЖОДУ ИШЛАТГАНМИ?

Тафсир аҳлининг айтишича, Сулаймон алайҳиссалом подшоҳлиги даврида шайтонлар сеҳр-жодуларни жамлаб бир китоб ҳолига келтирадилар. Китобнинг охирига шаҳр бериб, «Ушбу китобда ёзилган илмларни Осиф Бин Сулаймон алайҳиссалом жамлаган», — деб ёзиб қўйибдилар. Китобни Сулаймон алайҳиссалом ибодат қиладиган ерга кўмиб қўйибдилар. Сулаймон алайҳиссалом вафотидан кейин унга кўмган жойларидан олиб, халққа «Сулаймоннинг подшоҳлиги ва

шундай катта мулкка эгаллиги сеҳр билан эди», дебдилар. Бундан мақсадлари қайни алдаб, тўғри йўлдан қайтариш эди. Аммо Саъдийнинг айтишича, шайтонларнинг парилари одам қифасига кирибдиган ва «Вани Исроил» (Исроил авлодлари) қавмига бориб, «Сизларга бир кўмилган хазинани кўрсатаялик-ки, уни қанчалик сарф-харажат қилмангиз

ҳеч тугамайди» дебдилар. Уша одамлар «кўрамиз» деганда, уларни Сулаймон девоҳносига бошлаб келиб, Сулаймон тахтининг остини қазимоққа ишора қилибдилар. Исроил авлодлари парилар тахт ёнига келмай узоқроқ туришганини кўриб, балки буларнинг сўзи ёлғондур, дейишибди. Шунда бир пари: «Сўзим ёлғон бўлса, мени ўлдириңлар», —

дебди. Айтилган жойни қайиқ, ўша китобни олибдилар. Шайтонлар Исроил авлодларига «Сулаймон шу китобдаги илм билра жинларни, девларни, жониворлару қушларни ўзига бўйсундирмиш ва мусахаҳар қилимиш», деб кўздан гоийб бўлибдилар. Нодон ва аҳмоқлар шу китобга ишониб, уни ўрганибдилар-да, пайғамбарларнинг китобларини рад этиб-

дилар. Илм аҳллари, аҳли мўминлар «Сулаймон алайҳиссалом бу маъжусийлар илмини ўрганмаган ва уни ишлатмас эди» дейдилар. Ҳақ-таоло Сулаймон алайҳиссаломни бундай бўғтонлардан яироқ ва пок қилмоқ учун ушбу оятни юбормиш: «Ва ма кафара Сулаймону ва лакинна-ш-шайатину кафару», яъни Сулаймон эмас, шайтонлар куфр қилмишлар. Ас-Саолибийнинг «Қиссул анбиё» китобидан Малика Носир нашрга тайёрлаган



• Халқ оғзаки ижоди

— Умаркул ака, Сиз билан суҳбатга чоғланаялману, ҳаёлимда беҳтёр кўнундаги тошба айтган, маромига этган сатрларингиз такрорланади:

...Отим Умарқулдир
Пўлканнинг ўғли,
Бахшлар ичида
улканинг ўғли.
Фақат Пўлкан эмас,
ўлкаминг ўғли,
Завқланиб куйлайман,
юрагим чўғли.
Илҳомимга сўямас қанот
дўбирман.

Шоирлик буюк бир дард бўлиб, вужудга қон билан, жон билан киришни яна бир бор англагандек буламман. Такдирга битилган бу дард шоир-бахшнинг бир умр оромини олишга шак келтирмайман. От ўрнини той босар деганларидек, сиз ҳам кўп йиллардан буён халқимиз томонидан ҳақли равишда улкан шоир деб тан олинган бобомиз Пўлкан шоир дўбирасини кўлдан кўймай келасиз. Унинг ижодини муносиб давом эттирмақдасиз...

— Раҳмат. Юқоридаги сатрлар орқали эслатиб ўтганингиздек, мен ўзбек халқ оғзаки ижодининг буюклари — Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир назар ўғилларининг сафдоши, етмишдан ортиқ дostonни ёд айтган Муҳаммадул Жомурод ўғли Пўлкан шоирнинг ўғли, бутун дунёда фан ва маданият ўчоғи ҳисобланган Туронанин фарзанди эканингиздан фахрланаман. Бу битмас-туганмас фахру-гурур, она Ватанимнинг бетакорор гўзаллигининг янада гуллаб-яшнашига орабаси қалбимдан шеръ бўлиб, оҳанг бўлиб тўқилаверади. Улар шоир ва шерънинг теран ҳис этувчи зукко табиат, нозик дилли инсонларга маъқул бўлаётганлигини сизга олам-олам қувонч бахш этади. Бундан ўзимни бахтли сезаман.

— Мустақиллик ҳар бир ҳур фикрли, ўз қадрини билладиган одамнинг эзгу мақсади, буюк орзу-ниятиди, шундай эмасми?

— Бўлмасам-чи! Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги эришганлиги, миллий қадриятларимизнинг тикланаётганлиги, жумладан адабиётнинг сарнамаси — халқ оғзаки ижодиётига эътибор кун-

Мустафо Камол Отатурк ҳақида шеръ битиш ниятим бор. Ҳали халқ олдига жуда кўп қарзим бор. Яратганим ўзи маддакор бўлсин, ҳаммаша элу юрт хизматига тайёрман.

— Отангиз Пўлкан шоир даврида бахшларнинг ўзаро урашуви ва айтишувлари кенг тус олганлигидан хабардормиз. Бундай айтишу-

дав мени кўрган Қодир бахши юз нафарга яқин бахшнинг ичидан менга қараб дўбирасини баланд кўтариб, «мен томонга» дегандек ишора қилиб турди. Шунда мен Қодир бахшнинг бир «қитлаб» кўрай деб, унга яқинлашиб шундай дедим: **Соз қопқоғин қопқавсан, Кўйлаб алга ёққавсан. Аму бўйлаб, Сар бўйлаб,**

У менга шундай жавоб қилди:

Кўчор шохдай мўйловим Анча ортган ўйловим, Туёқ соним куйлайиб, Торлик қилди жайловим. — Эй, янаги, у киши ҳақида ҳаётимизда? — Афсуски, йўқ. Мен уни ҳозиржавоб, сермаҳсул бахши бўлгани учун ҳам яқин кўрардим. Шу боис марҳумнинг хотирасига бағишлов ҳам ёзганман.

— Ҳа, оллоҳнинг иродаси бу — келамиз, кетамиз, қолганларнинг умрини берсин илоҳим. Умаркул ака, энди ўз сулолағиз тўғрисида гапириб берсангиз...

— Нуротада Эргаш Жуманбулбул сулоласи сингари, Хатирчида Пўлкан шоир сулоласи вужудга келган. Отам ва мендан сўнг ўғлим Амирқул Пўлкан тўртдан ортиқ тўплам ва китобларнинг муаллифи бўлди. Қатор шерълари, шеръли дostonлари китобхонларга маълум. Амирқулнинг қизи — неварам Саодат ҳам отаси ўқиган Тошкент давлат доирлиқинида таҳсил оляпти. Алоҳида тўпламларда, турли матбуот нашрлари саҳифаларида жумҳурият миёсида кўйлаб шерълари чоп этилган. Худого минг қатла шукр, от ўрнини той босгани чин бўлсин. Сулоламизнинг яна бир вақили Мақсуджон неварам олтинчи синфда ўқияпти. Шерълари республика матбуоти орқали кўпчиликка таниш. Илоҳим отасига умри ўхшамасин. Ҳозирча ёзган шерълари 500 дан ортиқ.

— Шоир халқига шерълари орқали сўзлайди. Сиз ҳам муштарийлар учун янги шеръларингиздан келтиргандирсиз.

— Бўлмасам-чи. — Мазмунан суҳбатингиз учун раҳмат, сизга соғ-саломатлик, ижодингизда янада баркамоллик тилаймиз.

Ҳамид НАЗАРОВ суҳбатлашди

«ЗАВҚЛАНИБ КУЙЛАЙМАН, ЮРАГИМ ЧЎҒЛИ»

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси аъзоси, уруш ва меҳнат фахрийси, бахши шоир Умаркул ПЎЛКАН ўғли билан мулоқот



чаяётганидан бошим кўкка етгандек бўлди. Қардош республикалардаги бахши-шоирлар билан ўзаро бевосита мулоқотлар учун кенг йўл очилди. Яқинда улуг Махтумқули дидёри — Турканистонда бўлиб қайтишимиз ҳам мустақилликнинг шарофатидир. Бу сафарда ул зотга атаб бир шеръ ҳам туғилди.

Яқинда халқ оғзаки ижодининг билимдонлари, ҳурданият олимларимиз Тўра Мирзаев ва Малик Муродовлар билан суҳбатда бўлгандим. Улар бизни Туркия сафари тўғрисида огоҳ этишди. Илоҳим бу насиб этса,

ларини одамлар катта қизиқиш билан тинглашган, улардан завқ-шавқ олинган. Бу хайридан анъанани давом эттириб келётганлигиниз қувончли ҳолдир. Бахши дўстларингиз, улар билан айтишувлар тўғрисида қисқача тўхтасангиз. Мен қашқадарёлик бир бахши тўғрисида тизиниб билардим...

— Ҳа, Қодир бахши эди. У билан айтишганда ҳам роса айтишардик. Ҳамма бахшлар ҳам ҳозиржавоб бўлавермайдилар. Мен ҳозиржавобликда Қодир бахшига қойил қолганман. Бахшларнинг республика кўрик-танловига таклиф этилгандик. Узоқ-

Тўқни уриб оққансан. Ҳанг Қодир бахшисан, Булбуддан ҳам яқинсан. У менга бирданга шундай деди:

Худо берган Пўлкансан Куйинг билан улкансан Юзинг сал-пал тиришган Куйинг билан кўркмасан.

Сўнгра мени гапга таклиф қилди. Чой ичиб, суҳбатлашиб ўтириб бир гап айтдим, жавоб бўлмади. Қарасам ўйлаб турган экан. Мен унга шундай дедим:

Кўчор шохдай мўйловим, Не сабадан ўйловинг. Деҳқонобод тоғида, Кенгитмида жайловинг

Тинмайсан эл кўнли овлаб дўмбирман.

Тинмай замонамга ўзинг жўр бўлиб, Куйинг юракларга кирар нур бўлиб, Ҳанг замонамда овоз қўр бўлиб, Сен билан ҳар сўзим олтин дур бўлиб, Ишлайсан халққа бел боғлаб дўмбирман.

Сенсан чолғуларнинг кекса полвоғи, Сени тинглабанинг йўқдир армони, Сен бошчи тизилган колхоз карвоғи, Шула сабаб доврўнги тутган дунёғи, Куйлайсан даврада қайнаб дўмбирман.

Отим Умарқулдир Пўлканнинг ўғли, Бахшлар ичида улкани ўғли, Фақат Пўлкан эмас ўлкаминг ўғли, Завқланиб куйлайман юрагим чўғли, Илҳомимга сўямас қанот дўмбирман.

МАХТУМҚУЛИДАЙ

Созинг созлаб эл маҳҳидан куйласанг, Куйинг усини фасли баҳор елiday. Сўз гавҳарин терсанг маржон сингари, Куйласанг куйлагин Махтумқулiday. Замонам мулкидир сўзинг атоласи, Айтганларинг тордай бўлса маъносини. Шеръят султонни, кўрки, қалъаси, Куйласанг куйлагин Махтумқулiday. Тилдан-тилга қўчган шодлик — овози, Ҳар каловин буюқ сувiday тоза. Шеръятдан очган олтин дарвоза. Куйласанг куйлагин Махтумқулiday. Қашшоқ мазлумларга сарфлаб кучини, Ҳажр қилб байдан олган ўчини. Шеръят мулкнинг учур лочини,

ОЛТИНСОЙ

Олтисойнинг сойларига шарбат тўкар булоғи, Тарикпоя қирларида ўйнар эчки улоғи. Езда йиниб емишини қишда толмас билағи, Жўшқин сойу булоқларни қони бўлган Олтисойи, Меҳнат қилиб элимизни шони бўлган Олтисойи. Шилдир-шилдир сувларида сувиб юрар оқ рози, Сувур-сувур қўйни боқиб чўпон мамун қиш-ёзи, Илдан-йилга кўпайди кўз олувчи сур қўзи, Марди-майдон чўпонларнинг қони бўлган Олтисойи,

Завққа тўлган элимизнинг шони бўлган Олтисойи. Баланд-баланд қирларида тилла қумуш доғи бор, Дастурхон тўқни-сочини жизза тўла қони бор, Турли-туман меваларини қони бўлган Олтисойи, Бахт йўғрилган пешонамга толе бўлган Олтисойи. Бахт елдан айнаб ётар чексиз ўтлоқ жойлари, Баётларга қудун тугса от бўб қишар тойлари, Кўк оиндан гўзалроқдир бунда қишлоқ ойлари, Турли-туман сувларини қони бўлган Олтисойи, Бахт йўғрилган пешонамга толе бўлган Олтисойи. Қишлоғига меҳмон келса кўрар иззат сийғини, Элу юртга яратмоқда кўркам қургани уйини, Бунда отам Пўлкан турар халққа куйлаб куйини, Бахши юрти, хуй-қўшқининг қони бўлган Олтисойи, Бахт йўғрилган пешонамга толе бўлган Олтисойи.

ДЎМБИРАМ

Булбудини мот этдинг сайрашда созин, Янги келинчақдай ишва мозинг. Самонин янгатар янғроқ овозинг, Мисодин жўш урган дарё мижозинг,

Қаршимдаги бу одамнинг елкаларини силаб, яратганининг олдига таваба қилаётган гуноҳкор бандайди таваба қилгим келди баъзан. Қодир унинг ёнидан гўлдайиб ўтар бепарво, кимдир биров билан гапирини шайтиб, қўлини чўзар беписанд. Домла индамас, жилмайиб қўли ҳатто миёнида, аммо ичида тошиб, пишқириб оқётган дарё тугён атар ҳайқириб, ҳеч ким англамас, эшитмас бу исёнкор нидони.

Куйиниб, ўзимни қийнайман. Нега бу ноқас дунёга, ғаламис, бебурд кимсаларга тош отмас бу одам, дейман.

дунёга жон ато этган битникларни кўз олдига келтирмаман, тарихнинг буюк қоялари, дунёни титратган

СОКИНЛИК

Бехос «Темур тузуқларини», «Удубек»ни ва рақдайман, «Темурга мактублар»ни ўқийман қайта-қайта, унутилган кўҳна

ва забт этган соҳибқирон Жаҳонгир, олампош Амр Темурнинг асов вужуди бу мурғак жонга қандай жо бўлди экан дейман. Оллоҳ

нинг мусичадай, ювш бу мўмин бандасига Бўрибой деб ном қўйган киши адашмадимкин? Буларга эътибор қилмас бу одам, мийнида, доимий одати ила кулб қўяр яна, соқин ва секини ўтар Вўлидан ҳар қачонгидай.

Ўз тарихини, туркий оламни, бу ақли Туронини, ёзувини... унутган ўзини, ўзалигини англашдан узоқлашиб кетган авлодга мазини яқинлаштиратган аллома Бўрибой Аҳмедов ҳаёлим

да бебош сувнинг тошқинини босиб, соқин оқиб бораётган дарёга ўхшайди.

Ўзинга таскин бериб, яратган эгамдан сўрайман: эй худованда қарим, бу замоннинг қарқарган маънавияти чангоғини босмоқ учун санонли фозилларни ёмон кўлардан ўзинг асрагайсан!

Ёқуббек ЯҚВАЛХУҲАЕВ

Марк О' БРАЙЕН ким?

• (Ҳажвия) •

Шу десангиз бир роман ёздим. Икки ой давомида кечасию кундузи бу асар устида ишладим. Дунёда ҳамма бир-бирининг кўнглини кўтариб юрса, ёзувчи халқни ўз-ўзининг дилини чоп этиб яшар экан.

Баъзи жойлари нодуруслигини айтмасам, роман жуда гўзал чиқди. Уни газеталардан бирита олиб бордим.

— Биз маҳаллий қалам-кашлар асарини чоп этмай-миз,— дейишди.

— Бир марта ўқиб кўринг!

— Нима кераги бор, одамлар маҳаллий адбларнинг романларини ўқимай қўйишди!

Бир хусусий китоб ноширига учрашиб «Бир романни бор», дегар демас, «Биз таржима асарларини нашр этамиз», дейди ҳумпар.

Ноилж бошқа нашриётга бордим. Улар ҳам:

— Таржима бўлса олиб келинг, маҳаллий романлар бозори касодга учраган,— дейишди.

Хуллас, қаерга бормай, ҳамма бир-бирининг гапини такрорлагани такрорлаган. Икки ой муддат тер тўкиб, катта умидлар билан ёзган романни, кимса кўрса жони ҳиқилдоғига келадиган, никоҳсиз тўғилган чақалоқ каби кўлимда қолди. Шунда ногоҳ ниманидир англагандай бўлдим. Ёзувчи дўстларимдан бири фарангчадан, бошқаси олмончадан, бошқа бири инглизчадан, италийнчадан хижолаб ўтириб, Японсонни Аҳмад, Маргани Фотима деб ўзгартирадиларда, ҳижолаб остига ўзларининг

имзоларини чекиб, журналларга берадилар. Мен нега бунинг тескарисини қилмай?

Ўтирдимда, романда қанча туркча исмлар бўлса, барчасини Америкача номларга алмаштириб чиқдим. Қўлимга қаердандир Нью-Йоркнинг харитаси тушиб қолганди. Манзилгоҳи ҳам Америкача бўлди. Энди роман муллифига ном қўйиш навбати келганди. Марк О'Брайен дея хориж ёзувчиси исму шарфини асарга тиркаб қўйдим.

Фақат таржима асарларини чоп этамиз дея мени орқага жилдирган газета ходимига романни олиб бордим.

— Сизга Марк О'Брайендан таржима қилган бир асарни келтиргандим,— дедим.

— Жуда яхши... Ким экан бу Марк О'Брайен?— хоним ҳайрат билан сўради.

— Ааа!.. Билмайсанми? Машхур Марк О'Брайени-я! — Сир бой бермадим.— Китоблари бутун дунё тилларига ўтирилган ёзувчи-ку!

Хоним романни ўқиб чиқиб учун иложсизлиқдан олarkan, менга муаллиф ва

асар ҳақида бирон нарса ёзиб беришимни сўради.

Тилимга келган сўзларини қозоғга тушира бошладим: «Марк О'Брайеннинг энг сўнги шоҳ асари «Стригил фор уэфа»дир. Америка ҳаётидан ҳикоя қилувчи бу асар бир ойнинг ўзида қирқ миллионга сотилган. Бутун дунё тилларига ўтирилган қимматбаҳо роман няхоят «Девоннинг бошланғичи» номи билан бизнинг тилимида ҳам чоп этилди.

Хўш, Марк О'Брайеннинг ўзи ким?

Марк О'Брайен афандининг таржимаи ҳолини шу қадар устамонлик билан тўқиб ташладимки, сўраманг! У ўн саккиз фарзангли оиланинг кенжаси. Отаси Филдальфияда ер эгаси. Ўғлининг мулкдор бўлишини орзу қилган эди. Ичкина Марк эса, ўн тўрт ёшлигидан аёнишир тўрда илҳомли профессорни кўлида илм олиш оқибатда мактабдан ҳайдалади. Шундан сўнг машхур америка ёзувчилари каби... Балкичилик қилади, кувинига учрайди, анча вақт

олтин ювучи бўлиб ишлайди. Ёзувчилик салоҳияти... У қирқ ёшда илк ҳижолабни «Лет юз кисс» журналичада чоп эттиради. Илк асарининг тили, услуби шу қадар бузуқ, маъносиз, тароқ чиққанки, асти қўйверасиз...

Қўлингиздаги роман ёзувчининг бир асари, холос. Китоб ноширлари «Марк О'Брайен асарларидан бизга бир таржима қилиб берилинг» дея ҳоли жонимга қўйишмади. Шу сабаб бўлиб Марк О'Брайеннинг бир йўла ўн саккиз романини туркчага ўтирдим. Яна умрим етгунча бу хайли ишнинг давом эттироқчиман. Албатта шу билангина кифояланиб қолмайман, поляк ҳажвчиси Жек Латте ҳам бор. Китоблари ўқувчилар кўлида талаш бўлиб ётибди. Унинг ҳам олти китобини ўтирдим. Кейинги кунларда уларни ҳам эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Ҳиндчадан ва хитойчадан ҳам баъзи асарларни саралаб таржима қилиш ниятим йўқ эмас.

Бу кетинида нима бўлади ҳайронман. Балки бир замон келиб, Америка адабиёти тарихини ёзмоқчи бўлган киши туркча романларни ўқиб қолар. Менинг ягона сўнги умидим, Марк О'Брайен номи билан Америка адабиётини мустаҳкам ўрин олмақдир.

Туркчадан Юсуф РАСУЛ ўтирган

Афандишнинг ХУРЖУНИ



КЕЛИНГ, БИР КУЛИШАЙЛИК

Икки пенсионер ўзаро ёшлигини эслаб, гурунлашарди.

— Биласанми, армияда хизмат қилганимизда аёллар ҳақида қамроқ ўйлашганимиз деб бизга халдори беришарди.

— Эсимда, нуҳотдек кўк дори-да...

— Мана энди ўша дори-лар ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Тунда икки маст кимсасиз кўчадан тебраниб келишарди. Ҳаво совуқ. Шунда улар пичан гарамини кўриб қолишарди.

— Кел, ўт ёқиб исинамиз, — дейди улардан бири. Пичанин кўриб, исина бошлайдилар.

Қишлоқда ёнгини кўрган

одамлар гулхан томон чопиб кела бошлайдилар.

— Буни қара-я,— дейди мастлардан бири иккинчисига.— Ўт ёқишга келганда ҳеч ким топилмайди, исиниш деса ҳаммаси оёғини қўлга олиб чопишади. Эҳ, одамлар...

Машхур, паҳлавон Ш. Арнольд автобусда кетаётган эди. Орқасида турган аёл сўраб қолди:

— Сиз тушасизми?

— Тушаман,— деди Арнольд.

— Сиздан олдингилар ҳам тушишармикин?

— Тушишарди, фақат ҳозирча ўзлари буни билишмайди.

Полковникни операция қилишаркан экан. Жарроҳ беморнинг бош суягини олиб, ичидан миясини ажратиб қўяди. Шу маҳал фанкулудда ишлар бўйича навбатчи югуриб қиради:

— Ўртоқ полковник! Сизга генерал-майор унвони берилди!

Полковник сакраб ўрнидан туради, бош суягини пошиб жойига қўйганча ташқарига ошқайди.

Жарроҳ орқадан қичқиради:

— Миянғизни эсдан чиқардингиз.

— Энди уни бошимга ураманими? ***

Қуёнбой қуёнхон билан ажралишаркан экан.

— Хўш, нега ажрашмоқчисизлар?— деб сўрайди судья.

— Унинг кўзи гилай-ку...

— Олдин сезмаганмисиз?

— Олдин менга кўзини сузаяпти деб ўйлабман.

ХАНДАЛАР

— Ўғлингиз мени молга ўхшайсан деб ҳақорат қилди.

— Эҳ тентак! Мен унга одамларнинг ташқи кўринишига қараб баҳо берма дея минг марта айтганман.

Лойга ағалаб ётган мастнинг ёнидан бир аёл ўтиб борарди. Бирдан у қичқириб қолди:

— Бегуноҳ одамни чўчқа деб сўкиш яхши эмас!

— Ахир мен чурқ этиб оғиз очганим йўқ-ку.

— Айтмасанг ҳам ичигида ўйлади.

Иккита ҳарбий зобит ўзаро суҳбатлашарди:

— Биласанми, олдий фуқаролар орасида ҳам ақлли кишилар учрашаркан.

— Ҳмм! Унда нега улар саф тортиб юришмайди?

Эр ярим тунда уйга қайтибди. Хотини норози оҳангда сўрабди:

— Қаёқларда санқиб юрибсан?

— Мен эркин қушман, қаёқни хоҳласам ўша ёққа учаман. Эртаси кунни хотини тун билан гоийб бўлиб, эрталаб келибди.

— Қаёқда эдинг?!— деб сўрабди эр.

— Сен — эркин қушсан, менинг эса эркин ўзимда эмас, қачон қўйиб юборингиз, ушунда келаман.

Қоқ ярим кечада телефон жингилдади.

— Эшпатаман,— дейди уйқусираган овоз.

— Бу 233675 номерли телефонми?

— Эсингиз жойидаки? Менда умуман телефон йўқ!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Мирпўлат МИРЗО
Тоҳир РАҲИМОВ
Ислом УСМОНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИЕВ
Бобохон ШАРИПОВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриной АҲМЕДОВ
Воҳид АЪЗАМОВ
Билал АМИНОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Жамол КАМОЛ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Сафар ОСТОНОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ: 32-36-42, 32-35-29, 44-29-09.

ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Мухарририятта келган кўл-ёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатта олиш № 000011.
Буюртма № Г — 511.
25910 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди, Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти маҳкамасининг Ишлар Бошқармаси ҳузурдаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 5 6



Дарахтлар қолмагач... Мусаввир И. ҚОСИМОВ